

МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМА №
2022 й. «22» 11 **323-12-174-МТ/2022-** **Hazorasp t.**

СОН

"HAZORASP TURON" МЧЖ бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи номидан раҳбари С.Тагрибердиев фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва Хазорасп туман МТБ бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан раҳбари Х.Абдирасулова фаолиятини курсатувчи, иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди.

1. Шартнома предмети

1.1. «Сотувчи» узига тегишли мол-мулкни «Харидор»нинг мулки қилиб (доимий хужалик юритувчи ёки бутунлай бошқарувига) беради, «Харидор» эса мол-мулкнинг хақи тулангандан кейин олиш мажбуриятини олади. «Сотувчи» куйидаги озиқ-овқат маҳсулотларини уз музлатгичда сақлаб «Харидор» га куз-киш даври учун етказиб беради.

1.2.

Маҳсулот тури	Улчов бирлиги	Миқдори	Нархи	ККС 15%	Жами суммаси
Картошка	кг	42390	3 625,00	ккс сиз	153 663 750,00
Пиёз	кг	15896	2 625,00	5 442 652,17	41 727 000,00
Сабзи	кг	17663	1 700,00	3 916 578,26	30 027 100,00
Гурунч	кг	10598	7 500,00	10 367 608,70	79 485 000,00
Жами:		86547		19 726 839,13	304 902 850,00

2. Шартнома нархи, баҳоси, суммаси (қиймати)

2.1. Шартноманинг умумий қиймати 304 902 850 (Уч юз тўрт миллион тўққиз юз икки минг саккиз юз эллик) сум 00 тийн ташкил қилади, шундан 304 902 850 (Уч юз тўрт миллион тўққиз юз икки минг саккиз юз эллик) сум 00 тийн бюджет маблағларидан.

3. Тулов шартлари

3.1. «Харидор» «Сотувчидан» ҳисоб-рақамига шартномада курсатилган маҳсулот миқдори тури етказилиб берилганиданкеин суммасининг 30% фоизини олдиндан 3 банк иш кунни ичида утказишни уз зиммасига олади. Қолган 70% фоизи маҳсулот етказиб берилгандан кейин утказишни уз зиммасига олади.

3.2. Тулов тури _____ тулов тошширикнома _____

4. Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида курсатилган маҳсулот «Харидор»га шартнома имзолангандан кейин 5 кун вақт ичида берилиши шарт.

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: Ҳазорасп туманида руйхатда утгандан 2022 йил " 31 " декабр гача уз кучида қолади.

5. Тарафлар ҳуқуқлари

5.1. «Харидор»нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотларни уз вақтида ва сифатли маҳсулотни етказишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.1.2. «Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. «Сотувчи»нинг ҳуқуқлари:

5.2.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотлар учун ҳақ тулашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.2.2. «Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, маҳсулотни қабул қилишда асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

6. Тарафлар мажбуриятлари

6.1. «Сотувчи» мажбурияти:

6.1.1. Шартномада курсатилган талабларга риоя қилган ҳолда уз вақтида «Харидор»га маҳсулотни етказиб бериш;

6.1.2. Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сунг сифатли булмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли булмаган маҳсулот баҳосини қайтариб бериш.

6.2. «Харидор» мажбурияти:

6.2. «Харидор» мажбурияти:

- 6.2.1. Махсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида махсулотни қабул қилиб олиш;
- 6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган махсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин бу ҳақда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида "Сотувчи" ни огоҳлантириш.
- 6.2.3. Махсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тулаш.

7. Тарафлар жавобгарлиги

- 7.1. Махсулот бериш вақтида шартнома бандларига тулиқ риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тулиқ қоплайди ва кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5 % миқдорда пеня тулайди, лекин 50% миқдордан ошиб кетмаслиги керак.
- 7.2. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тулиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар курсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.
- 7.3. Бут бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни бутлаб беришни талаб қилишга ҳақли. Етказиб берувчи сотиб олувчининг (буюртмачининг) талабини олган пайтдан бошлаб, агар тарафларнинг келишувига ўзга муддат белгиланган бўлмаса, ун беш кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт; бундан буён товарлар бутлаб берилгунга қадар уларнинг ҳақини тулашдан бош тортишга, агар товарларнинг ҳақи тулаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда туланган суммалар қайтарилишини талаб қилишга ҳақли; етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда, етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима ундиришга ҳақли.
- 7.4. Агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки курсатилган хизматлар сифати, ассортименти ва нави буйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки ҳужалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тулашни рад этиб, етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима ундириб олишга, агар товарлар (ишлар ва хизматлар) ҳақи тулаб қўйилган бўлса, туланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.
- 7.5. Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида туламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига етказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тулайди
- 7.6. «Сотувчи» оморидан ўз вақтида мол-мулк олиб чиқиб кетилмаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, «Харидор» ҳар бир етказиб юборилган кун учун «Сотувчи»га оморда сақланганлигидан келиб чиққан зарар учун 0,5 % миқдорда жарим
- 7.7. Ушбу шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тулиқ бажармаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли "Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бошқа амалдаги ҳужжатларида кўзда тутилган жавобгарликка тортилади.

8. Форс-мажор ҳолатлари

- 8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра ва снгиб бўлмас қуч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия,
- 8.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган қуч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

9. Низони ҳал қилиш тартиби

- 9.1. Ҳужалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан, шартномада назарда тутилган ҳолларда ёки тарафларнинг келишувига биноан — ҳакамлик суди томонидан қўриб чиқилади.

10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

- 10.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик қучга эга бўлади.
- 10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

11. Бошқа ҳолатлар

- 11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик қучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.
- 11.2. Шартнома бюджет маблағлари ҳисобидан тузилганда Ҳазначилик бўлинмаларидан рўйхатдан ўтгандан кейин юридик қучга эга бўлади.

12. КОРРУПСИЙАГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВИ

12.1.Томонлар:

- Томонлар, уларнинг аффилиланган (узуро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома буйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупсияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупсия характерига ега бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатлари/ҳарақаизликларини содир етмайдилар. Томонлар, уларнинг аффилиланган (узуро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим етиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳарақаизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

12.2 Томонда ушбу Шартноманинг 12.1-бандидаги талабларни бузиш содир етилганлиги ёки содир етилиши мумкинлиги туғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли Томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупсия билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад етиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда еса амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

13. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тулов реқвизитлари

"Хазорасп Турон" МЧЖ	Хазорасп туман МТБ
Манзили: Хазорасп тумани	Манзили: Хазорасп туман Э.Гиёзов 6 уй Тел/факс: 33-25-479
х/р: 20208000004797433008 Тел/факс: +99897 211 61 45	шхр: 100022860332207091100251021 ИНН: 305174254
Банк номи: Хамкорбанк МФО: 01162	Молия Вазирлиги Ягона Газна хисобвараги Газна х/в: 23 402 000 300 100 001 010
ИНН: 301279545	Банк номи: Марказий банк Тошкент ш ХККМ
	МФО: 00014 ИНН: 201 122 919



С. Жангрибердиев

Х. Абдирасулова



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

FB2044706567

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **MAHSULOT YETKAZIB BERISH ShARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Hazorasp tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 21.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Hazorasp tuman
yuridik xizmat
ko'rsatish markazi
bosh yuristkonsulti:**



S.S.MATNAZAROVA

22.11.2022